



ТОШКЕНТ ОЖШОМЖИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 133 (9.477) 2000 йил 10 ноябрь, жума Сутувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 362 минг тонналик юксак хирмон бунёд этиб пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартномавий режими муваффақиятли бажарган Фаргона вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўلлади.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фарғонага кўра Рустам Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги этиб тайинланди ва шу муносабат билан у Бош вазирнинг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги этиб тайинланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фарғонага кўра Мамаризо Нурмуродов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги этиб тайинланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарлари негизда яратилган «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида маънавий-маърифий тараққиётимиз тамойиллари, Ватан раънақи, ёш авлодга юксак миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг муҳим масалалари баён этилган. Вазирлар Маҳкамасида мазкур масалалар юзасидан ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларни яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси, «Миллий истиқлол мафкураси» концепциясини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва Маърифий ва мафкуравий тарбиёт ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг кўмаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган Олий Мажлис депутатлари блокнинг мажлисида халқ муҳофазасига қўйилган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳофазасига тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.
- Полимерлар қимёси ва физикаси институтида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Олий аттестация комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси юқори молекуляр бирикмалар муаммолари бўйича илмий кенгаши билан кўмаги йиғилиши ўтказилди.
- Самарқандда «Сорос» халқаро жағмармаси ва Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан «Янги иқтисодий шароитда Ўзбекистон музейлари» деб номланган ўқув-семинар бўлиб ўтди.
- Тошкентда очилган фольклор кийимлари модаси халқаро фестивали Бухорода яқунда.
- Навоий кон-металлургия комбинатининг Учқуддаги автомобилли транспорт бошқармаси учун Япониянинг «Камалу» фирмасидан отир юк ташигиша мўлжалланган бир нечта автомашина соғиб олинди.
- Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда «Бехозд ва тамадун» китобини нашрдан чиқарди.
- Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида почта алоқа бўлимлари орқали банк хизмати кўрсатишга бағишланган халқаро конференция ўтди.

ЖАҲОНДА

- Бугун Югославия Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига қабул қилиниши керак. Шундай қилиб у Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган 55-мамлакат бўлади.
- Кеня Вашингтонда АКШ Президенти Билл Клинтон билан Фаластин мухториятининг раҳбари Есир Арофат ўртасида музокаралар бошлади.
- Югославияга ташриф буюрган Германия ташқи ишлар вазирлиги Иоханна Фишер ГФР шошилинч ёрдам тариқасида расмий Белградга элик миллион марка ажратишини билдирди.
- Куба Москвада визали режими жорий этиш юзасидан Россия-Грузия музокаралари бошлади.
- Жанубий Кореяда мамлакатдаги энг катта кўприк қурилиши яқунда. Ушбу иншоотнинг узунлиги 7,320 метр, эни 31,4 метрга тенг.
- Киргизистонда Бош вазир ўринбосари Б. Силаев истеъфода чиқилиши билдирди.
- Кеня Парижда Франциянинг собиқ Президенти генерал Шарль де Голлга биринчи хайкал очилди.
- Кеня ўтказилган Россия Хавфсизлик кенгаши мажлиси яқунларига кўра, яқин беш йил ичида барча қуролли тузилмаларнинг умумий самардорлигини ошириш мақсадида мамлакатнинг ҳарбий ташкилоти 20 фанга (қарийб 500 минг киши) қисқартирилади.
- Миср билан Ироқ ўртасида дипломатия муносабатлари тикланди. Бағдодда яна Миср элчихонаси фаолият кўрсата бошлади. Мазкур давлатлар ўртасидаги расмий алоқалар 1991 йили Форс кўрғазидеги урушдан кейин тўхта қолган эди.
- Францияда Европа Кенгаши вазирлари кўмитасининг навбатдаги сессияси бошланди. Унда Югославиядаги вазият ҳамда Шимолий Кавказ, жумладан, Чеченистон билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.
- Арманистон билан Озарбайжон Европа Кенгашига кириш тўғрисидаги расмий тақлифномани олди. Бироқ уларнинг бу ташкилотга кириш санаси аниқ айтилмаган. Бу нарса шу билан изоҳланганки, Европа Кенгаши Озарбайжон олдида бешта шарт, яъни Тоғли Қорабў муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, демократлаштириш жараёнининг фаоллаштириш ва шу каби шартларни қўйган. Бу шартлар бир ой мобайнида бажарилиши керак.
- Швеция аҳолиси борган сари кексаймоқда. Бу ерда ўртача умр кўрсаткичи тобора кўтарилимоқда. Мамлакат марказий статистика бюроси маълумотига қараганда, ҳозир эркаклар ўртача 76,8 ёшгача, аёллар 81,7 ёшгача яшамоқда. Бунга сабаб мамлакатдаги фаровонликдир.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг қарорига кўра Рустам Маъзуровчи Шоабдурахмонов Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.


Рустам Маъзурович Шоабдурахмонов — 1962 йилда туғилган, ўзбек, маълумоти олий, мутахассислиги иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1983 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ишлаб чиқариш кўчаларини ўрганиш бўйича Кенгаши бош лаборантлигидан бошлаган. Сўнг «Ўзбекилоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида цех устаси, катта иқтисодчи, ишлаб чиқариш бўйича бошлиқ ўринбосари бўлган. Юнусобод туманида масулу вазифаларида ишлаган. Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, иқтисод ва статистика бош бошқармаси бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган. Кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти ташкилий-қадрлар сифати бўйича Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари ва вазир вазифасини бажарувчи вазифаларида ишлаб келган. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати.


ТОШКЕНТНИНГ ЎН ИККИ ДАРВОЗАСИ

Тарих саҳифаларини варақлаганда

Президентимиз ўтган ҳафтада пойтахтимизнинг Гавхар ва ал-Хоразмий кўчаларини ўзаро боғловчи кўприкнинг очилиш маросимида катнашиб, нуроний отахонларга қадимда мавжуд бўлган Тошкентнинг ўн икки дарвозасини рамзий маънода бўлса-да тиклаш зарурлигини, бу нарса келажак фарзандларимиз учун эсдалик бўлиб қолишини алоҳида таъкидлади. Бинобарин Мустақиллик шарофати билан пойтахтимиз дарвозаларини тиклаш борасида хайрли қадамлар қўйилди. Самарқанд дарвоза кўчасида Самарқанд дарвозасининг шарқона арки бунёд этилди. Бу бордаги ишларни яна давом эттириш зарурлигини Юртбошимиз уқтирганликларидан ҳам катта маъно борлигини ҳаммамиз ҳис қилиб турибмиз. Ана шу тўғрисида «Тошкент оқшом» газетаси саҳифаларида шахримиз тарихига, унинг дарвозаси тарихига оид мақолаларни янада мунтазам равишда ёритиб беришдек масъулиятли ишга чорлади. Бугун азиз муштарийларимиз диққатига хавола этилаётган куйдаги мақола ушбу фикримизнинг мантикий давомидир.



Тошкент Буюк Ипақ йўлида жойлашган ўрта Осиёнинг қадимий сийёси, иқтисодий, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлган. Унинг тарихи узоқ ўтмишдан бошланади. Археологик текширишлар шундан гувоҳлик беради. Асплар даврида шаҳар кўчмаси қабилалар ҳужуми, Кўзғолонлар, ўзаро урушлар ва босқинчилик ҳужумлари натижасида бир неча бор вайрон бўлган ва яна қайта тикланган. Шаҳар муҳим географик ўринда — Шарк ва Ғарб мамлакатлари билан савдо-сотик йўлида жойлашганлиги туфайли бу ерга ҳар йили юзлаб-миглаб савдо қарвонлари келиб турган. Бу эса Тошкентни етти иқлим туташган масканга айлантирди.



Ана шундай бир пайтда шаҳар ҳудудини кенгайтириш, ободончилик ишларини амалга ошириш, шаҳарда тинчлик, оқсоқиллик ўрнатилиш ҳамда ташқи хатардан аҳолини ҳимоя қилиш учун шаҳар муҳофазасига катта эътибор берилган. Шу мақсадда Тошкент атрофи: баланд ва қалин истеҳком деворлари билан ўраб олинган.

Утган асрда шаҳар деворининг умумий айланаси 14 километрга етган. Деворнинг оқсидида чўқур ҳандақ қазилган. Хуллас, Тошкент ўша вақтда чинакам қалъа шаҳарга айланган. Шундай қилиб, қадимдан ўрта Осиёдаги бугун воқалар, шаҳарлар қалин ва баланд муҳофаз деворин билан ўраб олинган бўлиб, уларнинг катта йўللарга туташ жойларида дарвозалар бўлган. Хар бир катта шаҳарнинг бир нечтадан дарвозаси бўлган.

Дарҳақиқат, шаҳар, қалъа дарвозалари замона зайлига, ҳоким ва хонлар майлига қараб қурилган, ўзгаририлган. Қадимдан халқимизда бир нақл бор — шаҳар бедарвоза эмас. Ҳа, худди шундай, юртимиздаги қадимий шаҳарларнинг ҳар бирида маълум миқдорда ўз дарвозаси бўлган. Тошкент ҳам дарвоза — шаҳарга кириш ва чиқиш учун ҳамда дўшман ҳужумидан муҳофиза қилиш мақсадида шаҳар қалъа деворининг муайян жойларида қурилган.

Тошкентда дарвозалар Х асрда шаҳар кенгайтириши билан қарвон йўллари ўтаётган жойларда қурила бошлаган. Шаҳар ҳудуди кенгайтириш сари деворлари ҳам сурилиб, дарвозалар сон ҳам орта борган. Шаҳар Х, XV, XVI асрларда ўз ҳудудини кенгайтира борган. Демак, дарвозалар сон вақт ўтиши билан ўзгариб турган.

Тошкентлик ўтган аср тарихисининг «Тошкентнинг янги тарихи» («Тарихи ҳадидайи Тошканд») асарига шаҳарнинг 12 та дарвозаси борлиги ва бу дарвозалар XIV аср охири ва XV аср бошларида ҳам мавжудлиги айтилган. Шундай қилиб, XIX асрнинг ўрталарида ҳам Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлиб, Лаёзак, Тахтапўл, Корасарой, Сағбон, Чинғотай, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғор, Қўямас, Қўқон, Қашқар деб номланган дарвозалари орқали ташқаридан шаҳарга кирилган ва чиқилган. Хар бир дарвозадан шаҳар марказига — боозорга элтувчи кўчалар жуда кўплаб жинкулларга тармоқланган кетган. Шаҳар дарвозалари қайси йўналишига қараб мавзелари номига қўйилган. Масалан, Самарқанд йўналишидаги дарвоза Самарқанд дарвоза деб юритилган.

Ушбу вақтда ҳар бир дарвоза муҳофазаси ёзувчи Абдуқадир Иброҳимовнинг ёзишича, шу дарвозага яқин маҳаллада яшовчи аҳоли зиммасига қўқилган, маҳалла ўз навбатида унда яшовчи қабил аки уруғ номи билан аталган. Масалан, Қўямас дарвозасини Қўямас уруғи, Қўқон дарвозасини Қўқот уруғига мансуб кишилар, Корасарой дарвозасини Корасарой уруғига мансуб кишилар муҳофаз қилишлари зарур ҳисобланган.

Шаҳар дарвозаси хар кун қоронғи тушиши билан ёпилган, эрталаб тонг саҳарда очилган. Ёпиқ дарвозани ҳеч қим очинга ҳаққи бўлмаган, фақатгина факулдада ҳодиса бўлиб қолса унда ҳокимнинг махсус фармонида билан очинга ҳуқуқат берилган. Дарвозалар устида махсус қорувонлар, йўлакларда эса қатор қўрғалар, ёмакхона ва ётоқхоналар қурилган. Дарвозалар улкан ва қаттиқ арча ётоқхонадан ясалиб, устига металл қопланиб турли нақшлар билан безатилган. Дарвозаларнинг юқори қисми палларга бўлиб, бу ердан атрофини кузатиб турганлар. Дарвозалардан от ва туялар, юк ортлган арвалар, бутун бошли қарвонлар кириб чиққан. Хар бир дарвоза ёнида шаҳарга кирувчи ва чиқувчи от-арава ва юк ортлган туяли кишиларни қайд қилиш турувичи заכותчи бўлиб, заכות олиб турган, яъни боқхона бўлган.

Дарвозалар олдида йирик амалдорларни қўтиб олиш маросимлари ҳам ўтказилган. Тошкент дарвозаларидан ташқари яна бир яширин йўл бўлиб, у Тешиққоққа дейилган. Абдуқадир Иброҳимовнинг ёзишича, Тешиққоққа ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, дарвоза ўрнига девор тусидаги катта намаз ёпиқ қўйилган. Ёв босганда шу ердан отлик аскарлар қўққиндан чиқиб бориб, дўшманга қўққинга қарба берган.

ТЕРРОРЧИННИНГ АСЛ МАҚСАДИ — ЁВУЗЛИК

«Қилган жиноятларимга ирқоран ва бунинг учун жаборданлардан, уларнинг яқинларидан, бутун Ўзбекистон қалқидан, Президентимиздан кечирим сўрайман», дея сўзини юқунда айланувчи Улугбек Махмудов. Аммо, энди қилмишларига минг пушаймон қилса-да, унинг тақдирини фақат одил судига ҳал қила олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ўта оғир жиноятларни содир этганида айбонанган 12 шахс устидан давом этаётган суд ҳараёнида 9 ноябрь куни «қора курсидан жой олган У. Махмудов, О. Абдувоҳидов ва У. Шукрор кўрсатма берди.

Тошкентдаги порталашларнинг ташкилотчиси Улугбек Божонов билан бирга Чеченистонда диний ва ҳарбий тайёргарликни ўрганиб Улугбек Махмудов 1999 йил кузида Ботенга бостириб кирган жангариларга қўшилиш мақсадида чегарачи Бобур Раҳимовни ўлдириб қурол

2000 йилнинг июль ойи бошларида Тошкент Исматов бошчилигидаги гуруҳ таркибиде Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманига юборилган. Аммо чегарадан ўтиш чоғида Тошкентнинг чегарачилари томонидан ушланган тожик муҳофизатининг қўлига дала қўмондонлари, раҳбарлари Ж. Ҳожиёвнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланганлар. 2000 йилнинг баҳоринда Тошкентнинг ҳуқуқати «Ўзбекистон исломий ҳаракати» аъзолари мамлакатни тарқ этишни талаб қилганда, Ж. Ҳожиёв 200 дан ортиқ қуролланган жангариларни «Коммунизм» ёнидаги Ложир қишлоғида яширган ва ўзи Афғонистонга ўтиб кетган. Айнан шу жангарилардан таркиб топган гуруҳлар Сурхондарё, Бўстонлик ва Ботенга август ойида бостириб кириб, фуқароларимиз тинчлиги, юртимиз оқсоқиллигига раҳна соломқоч бўлди.

Суд жароғини давом этмоқда. (Уза).

Биродарлашган шаҳарлар КОРТРЕЙК — ТОШКЕНТ: КЎП ҚИРРАЛИ ИМКОНИЯТЛАР

Кортрейк шаҳар мэрияси делегациясининг пойтахтимизга ташрифи.

Яқиндагина Тошкент Бельгиянинг ана шу шаҳри билан биродарлик алоқалари ўрнатилганлигининг ўн йиллигини нишонлаган эди. Дўстлик анча илгари Ўзбекистон ва Бельгия томонларининг сай-ҳаракатлари билан Бельгияда Ўзбекистон Маданият кўчаларини ташкил этиш ва ўтказиш кезларида бошланган эди. Ана ўшанда, яъни Тошкент делегациясининг Кортрейкка борган пайтида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва биродарлик алоқаларини ўрнатилиш тўғрисидаги протоколга имзо чекилган эди.

Ана шундан бунён ўтган вақт мобайнида икки шаҳар ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб, мустақамланиб борди. Тошкент, Кортрейк ва Гриндвил вақилари иштирокидаги иқтисодий форумнинг ўтказилиши, фаол маданий алоқалар ана шу ҳамкорлик саҳифаларини ёритиб турибди. Бу ерда шунинг тақдирини Бельгия Бошқорув Жалов ишлаган панно Кортрейкдаги концерт зали биносига қираверишни беэаб турибди, Бельгия шаҳарларида эса Ўзбекистоннинг таниқли санъат номандалари асарлари бир неча бор намойишга қўйилган.

90-йилларнинг бошида мамлакатимиз ҳаёти ва маданиятига жуда катта қизиқиш билдирган Кортрейк шаҳарининг бургомистрини жаноб Э. де Беттон Тошкентга ташриф буюрди.

Бельгия делегацияси вақиларининг бу галги ташрифи Тошкент билан Кортрейк ўртасидаги дўстлик ришталари боғланганлигига ўн йил тулган сана билан узабй боғланиб кетди. Республика раҳбариятининг қарорига биноан Кортрейкка Шарқнинг буюк олимларидан тўри Ибн Синонинг монументи тижрига қилинди. Бу галги делегацияга раҳбарлик қилаётган Кортрейк бургомистрининг ўринбосари жаноб Омер Субриннинг таъкидлашича бу вужега ушбу шаҳар ҳаётидаги муҳим ҳодисалардан бири бўлиб ўлади, Ибн Сино хайкалининг ўрнатилиши Кортрейк аҳолисининг Шарқ тарихига бўлган қизиқишида муҳим омили бўлиб қолади.

Ана шу туғхуни Бельгия томонига топириш муносабати билан шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов бошчилигидаги Тошкент делегациясининг Кортрейкка сафари бўлиб ўтди. Ана ўшанда икки шаҳар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривож-



лантириш масалалари муҳофиза қилиниши ва 2000 йилнинг 7-июлида Тошкент билан Кортрейк ўртасидаги режалар тўғрисидаги протоколга имзо чекилди. Ана шу ҳужжатда икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг устувор жиҳатлари, биринчи навбатда тўқимачилик саноятини ривожлантириш режалари қайд қилиб қўйилди. Маълумки, Бельгия тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида кўп асрлик таърибага эга бўлган мамлакат бўлиб бу ерда тайёрланган тўқимачилик буюмларининг ажойиб намуналари Буюк Ипақ йўли давраларига бориб тақалди. Тошкент учун ҳам тўқимачилик саноти яқинда алоҳида қизиқиш ётаётган. Шу жиҳатдан олиб қараганда протоколда Кортрейкнинг ўз зиммасига Бельгия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг йирик тўқимачилик фабрикаларини Тошкент тўқимачилик саноятининг имкониятларидан воқиф этажаклигини ва ҳамкорликка эришишда маддат кўрсатишини олганлиги тасодифий ҳол эмас. Бундан ташқари хар иккала шаҳар ТАСИС дастури доирасида иккита лойи-

вирга туширган Тошкент билан биродарлашган ушбу шаҳарнинг гузал манзараларини ҳамшаҳарларимиз диққатига хавола этишни лозим деб топдик.

Солмақ ЁКУЕВ. СУРАТЛАРДА: Тошкент билан биродарлашган Кортрейк шаҳри манзаралари. Муаллиф олган суратлар.



Ўзбек маънавияти ниҳоятда те-ран томирларга эга, уни худуд-сиз уммонга туташ бир бахр си-фатида тасаввур қилиш мумкин. Аслида ҳам миллий маънавият миллатнинг ўтмиши, бугуни ва кел-ажоғини камрайдди, уларни яхлит тизимда тугиб туради. Ўтмиш аж-доқларимиз мероси бугунги жа-ҳон даражаси билан уйғунлашти-рилса ундан келажак куртаклари ўсиб чиқади, жамиятга нафи те-гади. Шундай экан, ёш авлодга тарбия бериш, илм билан ошно қилиш, буюк аждоқларимиз ме-росидан уларни баҳраманд этиш энг олийжаноб юксак инсоний бур-чидир. Зеро, тарихни билмай ту-риб маънавиятни, фалсафани, унинг негизларини англаб бўлмай-ди.

Ўтган йилнинг охирида матбуотда эълон қилинган «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори юқоридаги фикримизнинг далилидир. Бу беҳиз эмас, албатта. Чунки калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фикҳ оламининг раванқига улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандо-

ниятга қўшган ҳиссасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил маъ-лумотлар келтирилади. Бундай тад-қиқотларнинг аҳамияти ҳозирги Ўзе-бекистоннинг салоҳияти, юксалиш оми-ллари учун қимматлидир. Шунингдек, жуда кўплаб ўзбек олимлари аллома яратган асарларни ўз она тилимизда ўқиб ундан баҳраманд бўлишимизга муносиб улуш қўшиб келмоқдалар.

Шарқшунос олим Ҳамдам Исло-мийнинг ёзишича буюк ватандошимиз Имом ал-Мотуридий ўз таълимоти баркамоллиги билан шу даражада машхур бўлдики, у асос солган мак-таб то ҳанузгача исломдаги диний таъ-лимотларга маънавий озуқа бўлиб келмоқда. Жаҳонга машхур «Китоб ал-тавҳид», яъни Оллоҳнинг бирлиги ҳақидаги китоб ҳозирда ҳам бутун му-сулмон оламида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Унда асрлар оша инсон ақли ва заковати етмас масала бўлиб кел-ган Оллоҳнинг бирлиги ва сифатлари Қуръони карим ва ҳадиси шариф асо-сида чуқур илмий таҳлил этилган ва исботланган.

Имом ал-Мотуридий яратган асар-лар ҳақида сўз юритилганда улар фа-қат араб тилида ёзилган деган нотў-ғир хулосалар бор эди. Шарқшунос-лик институтининг катта илмий хо-ди-



Шаҳримиздаги 237-мактабнинг фахрий педагоги, халқ таълими аълочиси Манфаат Одилова ўзининг бор маҳоратини фарзандлар таъ-лим-тарбиясига бағишлайётган фидойи муаллимларимиздан биридир. Равиль Альбеков олган сурат.

Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига

МАЪНАВИЯТ

САРЧАШМАСИ

шимиз Имом ал-Мотуридий илмий, диний меросининг халқимиз маъна-вий-руҳий ҳаётидаги ўрни беқийсдир. Аллома 853 йилда Самарқанднинг шимоли-шарқий тарафидаги Мотурид қишлоғида таваллуд топган. Ибтидо-ий мактабда савод чиқариб, сўнгра Қўшадаги Работи Ғозийн маззеи мас-жид-мадрасасида таҳсил қўрган. Му-тафаккир бобокалонимиз яшаган давр исломий фан ва маърифатнинг гул-лаб яшнаган даври эди. Олиму фузо-ла ва уламолар масжид-мадрасалар-да ўз фикр-мулоҳазаларини, тарихий воқеаларга муносабатларини эркин баён қила олар эдилар.

Буюк ватандошимизнинг илмий-маънавий меросида ислом дини ақидаларининг софлигини ҳимоя қилиш ва турли диний оқимларга қар-ши кураш алоҳида ўрин тутади. Унинг «Китобул усул», «Таъвиллатул ахлис Сунна», «Китоб таъвиллатул Куръон», «Китоб ат-тавҳид», «Китобул мақомат», «Китоб ал-жадал» сингарини ўн бешга яқин асарлари ўл зоти олийга катта шухрат келтирди.

Бутун умри давомида азиз юртини тарқ этмаган улуғ мутафаккир 944 йилда Самарқандда вафот этади ва шаҳар чеккасидagi Чокардиза қабри-стонига дафн этилади.

Аллома ҳаётлик чоғидаёқ Ғарбда ва Шарқда унинг илмий меросини ўрганиш ривожланган эди. Кўпгина олимлар Имом ал-Мотуридий ижоди-га ёндашган илмий ишлар билан дунёга танилдилар. Масалан, мисрлик олим, доктор Али Абдулфаттоҳ ал-Ма-рибийнинг «Имом ахл ас-суннат ва л-жамоат Абу Мансур ал-Мотуридий ва Орсулул-Капомиийа» номли асари бу йўналишдаги муҳим тадқиқотлар-дан бири ҳисобланади.

Шарқшунос олим Убайдулла Ува-товнинг илмий тадқиқотлари ва ма-қолаларида таъкидланишича, юқори-даги илмий тадқиқотнинг биринчи бўлими умумий тарзда: «Имом ал-Мо-туридийнинг ҳаёти» деб аталган. Унда алломанинг ҳаётига доир маълумот-лар, у яшаган даврдаги сиёсий-ижти-моий ва маданий ҳаёт, унинг устоз-лари, жумладан, Имом Аъзам Абу Ха-нифа ҳазратларига бўлган муносаба-ти, асарларининг илму фан ва мада-

ми Омонулло Бўриевнинг берган маъ-лумотларига қараганда, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида олимнинг форс тилида ёзилган асарининг мукамал қўлёзма нусхаси топилган. Мазкур кит-об институти хазинасида 4019/11 ра-қамли мажмуа таркибига киритилган. Асарнинг номи унинг аввалида «Ир-шод ал-Мубтадийн фий ташвиди Ка-ломи раббул-Оламин» шаклида ёзил-ган. Асар муаллифининг исми «Жа-молидин Самарқандий, яъни Имом Абу Мансур ал-Мотуридий» деб қайд этилган.

Муаллиф ўзи ҳақида китобининг бошланғич қисмида «Камина Самар-қандий» деб эслатиб ўтади. Устознинг таъкидлашича бир гуруҳ дўстлари унга: «Сен араб тилида кўп нарса ёза-сан, бироқ биз ул ёзганларининг ҳаммасини ҳам тўла англаб етмавер-маймиз. Шу сабабдан бизга форс ти-лида китоб ёзиб бергин» деб илти-мос қилдилар. Ана шунга биноан ал-лома юқоридаги китобини мавжуд ада-биётлардан кенг фойдаланган ҳолда ва устози Шамсиддин Мухаммад ибн Холид ал-Жунабидийдан ашитган баъ-зи маълумотлар асосида ёзганини ай-тиб ўтади. Форс тилидаги бу асар ўн бобдан иборатдир.

Имом ал-Мотуридийнинг номини дунёга танитган бошқа асарлари ва ўз таълимоти аъёнлари Мовораун-наҳр илоҳий мактабининг ривожла-нишига бебаҳо улуш қўшди. Ул зоти шариф илоҳий илмларининг тўла шаклланиб, такомилга етишида, уларни қайта ишлаб чиқиб маълум ти-зимга солишдек катта бир ишни амал-га оширди. Шубҳасиз, аллома ярат-ган асарлар бизнинг давримизга ке-либ ҳам маънавиятимиз хазинасини бойитишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди.

Эътироф этиш керакки, ўзбек хал-қининг фарзанди Имом ал-Мотуридий иҳоди ва ҳаётини ўрганишга муста-қиллик шарофати ила катта эътибор қаратилди. Бобокалонимизнинг илмий асарлари, унинг меросини ўрганиш ишлар маънавий дунёсини бойитиши, улар қалбини эзгулик эиеси, маъри-фат, адолат, инсофу дённат нури би-лан ёритишга қўмақлашади.

Азиза ЗАЙНУТДИНОВА.

Одобнома

АХИКАРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

«Ақлли Ахикар ҳақида баённома» номли асарининг ватани бизнинг давримизгача бўлган VII асрдаги Ассирия ҳисобланади. Ахикарнинг ўғлига айтган ўша даврдаги васиятлари биз-нинг давримиз билан ҳамоҳангдир. Ишонма-сангиз, ўқиб кўринг, биласиз.

• Уғлим, ўзингдан катта қишларни кўрганда, хўрмат қилиб, ўрингдан тур.

• Уғлим, сув омбори ҳавода муаллақ бўлиб турса, қуш қанотсиз учиб юрса, қарга оппоқ бўлиб кетса, қайғу асалдаги тотли бўлса, аҳмоққа шун-дагина ақл кирди.

• Уғлим, аёлниги ниқоҳига қатнашма, агар кей-ин муросалари келишмаса, қарғайди, агар яхши бўлса, унда сени эсига ҳам олишмайди.

• Уғлим, ўзингни эмас сулувга суқланиб



• 11 ноябрь — шанба (Ойнинг 15/16 кун).

Мазкур кеча-кундузда Ой сайёраси-нинг таъсири табиат билан уйғун бўлади. Бу жуда осойишта кун бўлади. Рўзгор ишлари би-лан, айниқса, хоналарни тозалаш билан шу-ғулланиш фойдали. Шаҳардан ташқарига, ило-жи бўлса қалин ўрмон ёки тоғлик жойларга дам олишга чиқиб кетиш, кўпроқ ҳоли бўлиш-га интилиш мақсадга мувофиқ.

Умумий сийҳат-саломатлигимиз биров заифла-шаши мумкин. Юракка оғир тушадиган иш қил-манг. Инфаркт ёки қон босимининг кескин оши-б кетиши хавфи бор. Спиртли ичимликни суиесте-мол қилманг. Широбхаш гўилар билан давола-ниш тавсия этилади. Ҳаммомнинг иссиқонасига ту-шиш фойдали бўлади.

Тушларингиз ёрқин, ёқимли бўлиб, сизни тин-чаклантиради ва асабий чарқоқларинг олади.

• 12 ноябрь — яшанба (Ойнинг 16/17 кун).

Шанбадан шанбагача: мунажжим тавсиялари

ҲАФТАНГИЗ

ХАЙРЛИ КЕЛСИН

Шу кеча-кундузнинг ахборот-энергетика тар-киби табиат ва инсон ҳаётига уйғун бўлади. Уй-қуд-дан туришингиз билан пайдо бўладиган яхши кай-фиятни бутун кун бўйи бермасликка ҳаракат қил-манг. Уз яқинларингизга эътиборли бўлинг - эҳтиётсиз айтилган бир сўз билан сиз уларни осонгина ҳафа қилиб қўйишингиз мумкин. Эрта-лабдан табассум билан юриб, кунни худди шун-дай оқик чекра билан ўтказинг - турли салбий эҳтиросларга берилманг.

Бахтсиз ҳодисалар кўп бўладиган кун. Таом ҳам қилувчи аъзолар заифлашади - шунинг учун парҳезга риоя қилинг. Дори-дармонлар истеъм-оли имкон қадар қамайтинг. Қалқонсимон бе-зи хасталиклари кишилар ўзларини эҳтиёт қилиш-лари керак. Қон ҳосил қилувчи тизимни тозаловчи муолажаларни қилиш, тери касалликларини да-волаш, косметик операциялар ва муолажалар та-всия этилади.

Икки хил - ҳам қувноқ, ҳам ҳазин туш кўри-шингиз мумкин. Лекин уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўнгидан келмайди.

• 13 ноябрь — душанба (Ойнинг 17/18 кун).

Ийлда фақат бир неча бор такрорланувчи аҳоийи кун. Атроф-дунё сизнинг ҳақиқий баша-рангининг худди кўзгудагидек кўрсатиб туради. Яқинларингиз сизга қандай муносабатда экан-ликларини ҳам билиб олишингиз мумкин. Мазкур кеча-кундуздаги Ой таъсири одамларни танбал-ликка тортади. Бунинг хавотирланарли ери йўқ: яхшилаб дам олиб, ўзингиз ва ҳаётингиз ҳақида мушоҳада қилишингиз мумкин.

Шу кунни жигар ва ошқозон айниқса заифла-шади. Овқатларини эҳтиёт қилиб, яқинси — парҳезга риоя қилишингиз маълум. Дори-дармон-ларни истеъмол қилишни имкон қадар қамайти-ринг. Қон ҳосил қилувчи тизимни тозаловчи му-олажалар, пластик операциялар, косметик муо-лажалар тавсия этилади. Турли хилдаги бахтсиз ҳо-дисалар эҳтимоли кучли бўлади.

Тушларингиз башоратли бўлиб, ўзингиз ҳақи-қатда ҳатто ҳаёлингизга келмаган нарсаларни ҳиқоя қилиб беради. Шу муносабат билан кўнглингизда қандайдир хавотирлик пайдо бўлса, ўз хатти-ҳаракатларингиз ҳақида жиддий ўйлаб кўринг.

• 14 ноябрь — сешанба (Ойнинг 18/19 кун).

Мазкур кеча-кундузда Ойнинг таъсири одамни бушанг, танбал қилиб қўяди. Кўнглингиз гаш тортиши мумкин. Ўзингизни толиқтириб қўйманг. Барча муҳим ишлар ва учрашуларин-гизни бошқа кунга қўйинг — зеро, бугун улар

анчагина кўп куч-ғайрат керак бўлади.

Белингиз, буйрақлар ва бўғимларингиз хаста-лика берилувчан бўлади. Гепатит сингарин юк-му-ли хасталиқларга чалиниш эҳтимоли кучли бўла-ди. Гепатит ва ошқозон ости бези хасталиқлари-га учраган беморлар эҳтиёт чораларини кўри-б юришлари керак. Қулоқ ва тишларни давола-ш тавсия этилади. Ортиқча вақидан халос бўлишга қаратилган муолажаларни бошлашни тавсия эта-миз.

Тушларингиз ўзингиз хоҳлаганингизча кўриш-ингизга нималар халақит бераётганини, эски хасталиқларингиздан қандай қутулиш йўллари-ни кўрсатиб бериши мумкин. Лекин қамроқ уқланг, аққ ҳолда уйқудан ҳориб-чарқиб турасиз.

• 15 ноябрь — чоршанба (Ойнинг 19/20 кун).

Бу кун маънавий камолат йўлидаги инти-лишларингизга қанот бағишлайди. Узок вақтдан бери орқага суриб қолётган муҳим бир қарорга келишингиз учун гоёт қулай кун. Шу кунни сизга

ТОК БАРГИ

Ток барги баҳордан то кузга-ча бетиним, мардона, ёвуз ша-моллар гув-ғувидан дириллаб, шўрларига омонлик бош эта-ди. Ёз чиллаоада қўшининг олов селидан қўямасин, деб узумлار-га ўзини қалқон қилади.

Куз келса ҳамки дарахтлар баргидек сарғайиб тўкилиш қаёқда? У ҳамон кўм-кўк, маҳкам. Нияти шу: узумлاردан холи

қаб, ху-ҳулайимиз. Бўлмади. Бўзсув бўйидаги шовуллоб ётган қамишдан бир бог ўриб ёқдик. Шатир-шутур-лаб, бурқсиб ловуллайди. Қора қуюнлари ҳавога тўзгуб учади. Бир зумгина тутуқиб ёниши танларга на ҳарорат, на бир завқ бера олади!

— Қамишингдан ўргилдим. Бекорга лақиллатди одамни, — деди дўстим, — ўзимизнинг

Қатралар

бўлган новда кесилиб қўндоқлан-гач ёпингич бўлса, қишдан омон чиқарса, аммо ногаҳон совуқ-дан хазондек қовжирайди. Ток ке-силаётганда тонидан ажраб, дув-дув тўкилади. Ёпингич бўлишга у энди ожиз. Барибир тупроққа қоришгач қандайдир бир голиб-лик, қувончи ҳис этади.

Барг тупроқда чириб, келгуси баҳорда муртақларнинг кўз очи-шига дармон бўлишини билади.

Қўшиқ

Ток кесиб кўмаяпмиз. Кеч кўзнинг изгирини юз, қўллар-ни оччиқ тили билан ялайди. Қўлимизни гоҳ бир-бирига иш-

қўлбала анави зангдан ёқамиз. Оғир ёнган занг тафтидан оёқ-қўлимиз исиб, танимиз би-рам яйрадики...

— Оловдан-оловнинг фарқи бор, — деди ишга тушаркан дўстим.

— Фарқи ер билан осмон-ча, — дейман қамиш билан зан-гининг ўтмишини тарозуга солиб. — Қамиш енгил-елпи, гердай-иб ўсади. Оловнинг ҳам таф-ти йўқ — мазмунсиз умрнинг ҳароратсиз қўшиғига ўхшайди. Занг эса эгилиб, буқилиб, меҳ-нат билан камтарона яшайди. Алангаси ҳам чойир тортган мазмунли умрнинг ҳарорати қўшиғига ўхшайди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Бўш вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Бўйига: 1. Амир Темур давридаги қабилалардан бири. 2. Республикадаги пахтакор туман. 4. «Кулгун қон» романидаги адабий қаҳрамон. 5. Африкадаги дав-лат. 6. Ўзбек ёзувчиси, ки-нодраматург. 7. Амир Темур саройида фаолият кўрсатган фаронг элчиси. 8. Хоразмда ижод қилиб яшаган шоир. 10. Ҳижрий йил ҳисоби. 13. Қорақалпоғистондаги ша-ҳар. 20. Навоийга замондош тарихчи. 23. Сўраш, ёлво-риш. 25. «Катта битта нон, ичиди унта нон» (топиш-моқ). 27. С. Айний асари. 28. Иҳод, яратиш. 29. Анор нави. 30. Кичик Осий ярим оролидаги пойтахт — ша-ҳар. 31. Чертиб қалинади-дан мусиқа асбоби.

Тузувчи Анвар МИРЗАЕВ.



Газетанин 3 ноябрь сониди чиққан бошқотирманин жавоблари:

Айлана бўйича занжир ҳолида: 1-2. Бухоро. 2-3. Овул. 3-4. Лоҳира. 4-5. Асад. 5-6. Дёнбат. 6-7. Турк. 7-8. Кен-гаш. 8-9. «Шарқ». 9-10. Қандил. 10-11. Лалъ. 11-12. Луч-чак. 13-13. Клуб. 13-14. Акраб. 14-15. «Бўстон». 15-16. Назм. 16-17. Майна. 17-18. Авлод. 18-13. Драма.

Ёйлар бўйича: 19. Омметр. 20. Чакана. 21. Индекс. 22. Еркент. 23. Нишон. 24. Наркоз. 25. Гадоий. 26. Неон. 27. Даллол. 28. Чикаго. 29. Чевара. 30. Хоразм.

Муаммоннома

Очқич сўзлар: 1. Шахмат. 2. Кесим. 3. «Ялла». 4. Қалб. 5. Уд. Ҳикмат: Яқши хулқдек дўст топилмас.

ВО, АЖАБО!

Сут эмизувчилар ичиди сутни энг кўп берадиган кит экан. Кит боласига бир кеча-кундузда ўртача ҳисобда 100-130 литргача сут бериб бокар экан.

Панаманин тропик ўрмонларидан топилган ўргим-чакнинг узунлиги 0,8 миллиметр экан. У дунёдаги энг кич-кина ўргимчак деб аталади.

Бенгалиялик 26 ёшли Сикум ас Даснинг ёлтита ошқозони бор экан. У ҳар кун 15 килограмм бор, 2 кило-грамм горчица, 15 литр сут, 30 литр сув, бир чалак чой, ҳар хил мевалар, кўк ўтлар, банан — ҳаммаси бўлиб 80 килограмм таом еяр экан.

1926 йили Прага шаҳрида бир аёл бола туғибди. Ажабланарлиси шундаки, боланинг юраги гавдасидан таш-қариди экан. Юрак аста уриб турган, тананин ҳарорати 40 даража атрофида бўлган.

Қодир ТўЛАГАНОВ тайёрлади.



Пойтахтимиз бозорлари ҳам бири-биридан гўзал ва файзли.



Бу китобни албатта ўқи, ўғлим...

Ҳамкасбларимиз

МАТБААМИЗ ФИДОЙИСИ

Айтишларига қараганда Марат академатбаачи касбига ҳавасни 1-Тошкент босмаҳонасида узок йиллар давомида цех бошлиги бўлиб ишлаган падари бузруквори Абдуқаҳҳор ота уйотган экан. Ота касбини бир умрга эъзозлашга интилиш ҳисси унда ўқувчилик йилларида бошланган. Шу боис 83-ўрта мактабни тугатиши биланоқ босмаҳонага келди, ишни чилангар шогирдидан бошлади. Зехни ўткир, укуви банд бўлганидан касб сирларини пухта эгаллаб олди. Орадан кўп ўтмай уни Украинанинг Львов шаҳридаги матбаа институтига ўқишга йўллашди.



Талабалик йиллари ҳам ҳаяжонли бўлди. 1963 йили олий маълумотли мутахассис бўлиб қадрдон жамоасига ишга қайтиб келди. Ясси босма цехида муҳандис механик вазифини бажаришга киришди. Сўнгра цех бошлиғи, бош механик, бош муҳандис бўлиб ишлади, ҳамкасблари эътиборига тушди.

1969 йили Марат Фойибов ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Тошкент матбаа комбинатининг бош муҳандиси этиб тайинланди. Бир йил ўтгач, қорхона директори лавозимига кўтарилди. Ана шундан у ўттиз беш йилда эди.

Кейинчалик у Тошкент шаҳридаги «Матбуот» матбаа-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори бўлди, Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасида раис ўринбосари ва кўмита раиси сифатида фаолият кўрсатди. Табиийки, бу йилларда унинг рабарлик санвати намоян бўлди, мамлакатимиз матбаачилик соҳасининг ривожига озми, кўпми ҳисса қўша олди.

Марат Фойибовнинг иш тажрибаси ва малакасининг бойлиги 1991 йилнинг бошларида Тошкент матбаа комбинатини ташкил этиш вақтида жуда кўп келди. Қорхона ижара усулида ишлашга ўтди. Бу мезонда жамоаси билан бир қаторда унинг етакчиси — бош директори Марат Фойибовдан катта масъулиятни талаб қиларди. Жамоа мулкисини эҳтиётлаш ва фойдаланиш, цехларга замонавий дастгоҳларни ўрнатиш, маҳсулот турларини кўпайтириш, иш ҳақини барқарорлаштириш сингари кўпдан кўп масъулликлари ечиш осон бўлмади.

Ҳамид султонов.

Кекса юрак мавжлари

КЕЛДИ МҲҲМОН

Шарқда машаъл нур таратган Ўзбекистон қизлари, Кекса меймон уйларица минг тасанио бўйлари, Даста-даста гул кўтариб чиқса меймон йўлига, Ассалом, эй марҳабо, деб гулли берса қўлига, Бери афгон, бери эрон, бери ҳинду қизлари, Келди меймон Осиёдан санъатнинг юлдузлари, Дарвозани кенг очибсиз, келтирсан чўпон қўйларин Санъатнинг, ҳимматингиз бирла бошлан тўйларин, Уясиби бу даврада ҳинду афгон қизлари Келди меймон Осиёдан санъатнинг юлдузлари, Африканинг хаққи билан, Токионинг санъати, Икки дунё, икки оламга баробар ҳислати, Маҳсуди дер бойисини хаққини меймон, Келди меймон Осиёдан санъатнинг юлдузлари.

Маҳсуд хожи ФАЙЗИ.

